

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Claessens, L.A. (2021). A method for evaluating climate change adaptation strategies for small-scale farmers using survey, experimental and modeled data. *Agricultural Systems*, 111, 85-95. From <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0308521X12000753>
2. Costanza, R.D. (1997). The value of the world's ecosystem services and natural capital. *Nature*, 387(6630), 253-260.
3. Diego Azqueta, D.S. (2007). Valuing nature: From environmental impacts to natural capital. *Ecological Economics*, 63(1), 22-30. doi:<https://doi.org/10.1016/j.ecolecon.2007.02.029>.
4. Баутин, В.М., Козлов, В.В., & Мерзлов, А.В. (2007). Организация инновационного развития сельского бизнеса в регионе. – М.: ФГНУ «Росинформагротех».
5. Блауз, М. (1994). Теория благосостояния Пизу. // Экономическая мысль в ретроспективе = *Economic Theory in Retrospect*. (Vols. I-II). – М.: Дело.
6. El Hage Scialabba, N., & Hattam, C. (2002). *Organic Agriculture, Environment and Food Security Environment and natural resources series*. Rome: Food & Agriculture Organization.
7. Food and Agriculture Organization of United Nation. (2022 йил 06-08). FAOSTAT. From [fao.org](http://fao.org): <https://www.fao.org/faostat/en/#data/RL>
8. Reganold, J.P., & Wachter, J.M. (2016). Organic agriculture in the twenty-first century. *Nature plants*, 1-8.
9. Willer, H., & Kilcher, L. (2011). *The World of Organic Agriculture. Statistics and Emerging Trends 2011*. Bonn: IFOAM.
10. Seufert, V., Ramankutty, N., & Foley, J.A. (2012). Comparing the yields of organic and conventional agriculture. *Nature\**, 485(7397), 229-232.
11. Reganold, J.P., & Wachter, J.M. (2016). Organic agriculture in the twenty-first century. *Nature Plants*, 2, 15221.
12. Organic Trade Association. (2018). *Organic cotton facts*.
13. Боинчан, Б.П. (1999). Экологическое земледелие в республике Молдова. – Кишинев: Chisinau.
14. Падель, С. (1995). Основы и цели органико-биологического земледелия. In С. Падель, & В. Нойербург, *Земледелец*. – Тула: Филин.
15. Прижуков, Ф.Б. (1991). Альтернативное земледелие: опыт и проблемы. In Ф.Б.Прижуков, & Г.Г.Черепанов. – М.: НИИТЭИ, Агрпромиздат.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ДОНЛИ ЭКИНЛАР ХАЖМИНИНГ 2023-2030 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ**

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\\_iss2/a53](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a53)

**Умаров Сухроб Рустамович**

«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти»  
Миллий тадқиқот университети профессори  
Иқтисодиёт фанлари доктори, проф.

**Тураева Гулизахро Каххоровна**

Гулистон давлат университети мустақил тадқиқотчиси

**Чоршанбаев Умурзак Кайнарович**

Гулистон давлат университети ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада, республикада 2000-2022 йилларда етиштирилган донли экинлар хажмининг тахлили ва унинг модели ишлаб чиқилди ҳамда ушбу модель асосида 2023 йилдан 2030 йилгача бўлган давр прогнозлаштирилди.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, донли экинлар, регрессия тенгламаси, динамик қаторлар, факторлар, модель, истиқбол, прогноз, элита уруғ, самарадорлик.

**ПРОГНОЗНЫЕ ПАРАМЕТРЫ ОБЪЕМА ЗЕРНОВЫХ КУЛЬТУР В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ ДО 2023-2030 ГГ.**

**Умаров Сухроб Рустамович**

Профессор Национального исследовательского университета "Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства" доктор экономических наук, профессор

**Тураева Гулизахро Каххоровна**

Независимый исследователь Гулистанского государственного университета

**Чоршанбаев Умурзак Кайнарович**

Преподаватель Гулистанского государственного университета

**Аннотация.** В статье проведен анализ объемов выращивания зерновых культур в нашей республике в 2000-2022 годах и разработана его модель. был выпущен и на основе этой модели был прогнозирован период с 2023 по 2030 год.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, зерновые культуры, уравнение регрессии, динамический ряд, факторы, модель, перспектива, прогноз, элитные семена, эффективность.

## PROJECTED PARAMETERS FOR THE VOLUME OF CEREAL CROPS IN AGRICULTURE UNTIL 2023-2030

**Sukhrob Rustamovich Umarov**

*Dsc., professor,*

*Professor of the National Research University "*

*Tashkent Irrigation and Agriculture*

*Institute of Mechanical Engineering "*

**Turaeva Gulizahro Kahorovna**

*Independent researcher of the Gulistan State University*

**Chorshanbaev Umurzak Kainarovich**

*Lecturer of the Gulistan State University*

**Abstract.** *The article analyses the volume of cultivation of grain crops in our republic in 2000-2022 and develops its model. was released and on the basis of this model was forecasted the period from 2023 to 2030.*

**Keywords:** *agriculture, grain crops, regression equation, dynamic series, factors, model, perspective, forecast, elite seeds, efficiency.*

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида бошоқли доннинг ўртача ҳосилдорлигини ошириш 2025 йилгача 70 ц/га, 2030 йилгача 75 ц/га етказиш белгилаб олинган[1]. Республикамизда озиқ-овқат таъминоти ўз ечимининг турли босқичларида сифат параметрларини аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари томонидан муҳим озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши даражаси бўйича таснифланишини ҳисобга олган ҳолда, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотларининг муҳим турлари билан, асосан, ўзида ишлаб чиқариш ҳисобидан таъминловчи мамлакат сифатида бир қатор маҳсулотлар бўйича протекционистик сиёсатни амалга оширади ва бу билан озиқ-овқат хавфсизлигини кафолатлайди. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг изчил ўтказилишида, аҳолининг турмуш фаровонлигини тубдан яхшилашда дончилик равнақи, хусусан, дондан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш республикаимиз олдида турган биринчи муҳим масала бўлса, уни сифатли сақлаб, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, халқ хўжалигига тортиқ қилиш иккинчи муҳим масаладир.

Чекланган ресурслар шароитида улардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, уларнинг оптимал нисбати ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва бизнес жараёнларини қуришда муҳим омил ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ресурсларининг ҳаддан ташқари сарфланиши ёки тўлиқ фойдаланилмаслиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг самарадорлиги пасайишига олиб келади,

бу эса кейинчалик ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг мумкин эмаслиги ва дончилик тармоғининг турғунлигида намоён бўлади. Шундай экан, маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишларида, асосан, дон етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг айрим жиҳатлари масалалари кўриб чиқилди. Шу билан бирга, “Дон ишлаб чиқариш барқарорлиги” илмий категориясини аниқлаш, дон етиштиришнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳияти тузилмасининг хусусиятлари, ғалла етиштиришнинг иқтисодий ривожланиш даврлари, ўзгарувчан об-ҳаво ва иқлим шароитларининг таъсирини аниқлаш масалалари кўриб чиқилди. Дон ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича иқлим шароити ва узоқ муддатли хавфсизлик сценарийларини ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаганлигича қолмоқда. Шу билан бирга, хўжалик юритишнинг тез ўзгариб бораётган иқтисодий ва технологик шароитлари, мамлакатимизнинг кўпгина ҳудудларида дон етиштиришнинг беқарорлиги назарий усулларни янада ривожлантириш зарурлигини тақозо этмоқда. Тармоқда донли экинлар ҳажмининг 2023-2030 йилгача бўлган прогноз параметрлари аниқланган бўлиб, прогнозлар натижаси барқарор бўлган доннинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам натура, ҳам аҳоли жон бошига ўсиши билан ифодаланади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Дон ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлашнинг қанчалик зарурлиги ва унинг фойдали жиҳатлари ҳақида иқтисодчи олимлар ва мутахассислар ўзларининг тадқиқотларида ва

халқаро конференцияларда фикр ва мулоҳазаларини келтириб ўтишган. Улар томонидан дон маҳсулотни самарадорлигини оширишда табиий ва интенсив йўл билан ишлаб чиқаришни кўпайтириш амалиётлари, дон маҳсулотининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва уларнинг ижобий жиҳатларини ўз даврларидаги мавжуд ҳолатлар бўйича кўрсатиб ўтишган.

Х.Н.Атабаеванинг таъкидлашича, буғдой энг кўп тарқалган асосий донли экинлардан бири ҳисобланади. Бутун дунё халқларининг ярмидан кўпроғи озиқ-овқат сифатида буғдой нонидан фойдаланади [2].

А.Х.Бурхонов фикрига кўра, буғдой ноннинг таркибида оқсил ва крахмал кўп, оқсил моддалар, асосан, клейковина таркибида бўлганлиги учун унинг ундан сифатли нон тайёрланади [3].

З.М.Илина қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат бозори барқарорлиги таҳлили учун куйидаги ёндашувлардан фойдаланишни таклиф қилади: статик (бозор ривожланиш чегараларини аниқлаш); динамик (динамиклар қаторининг тебранишини ўрганиш); адаптив (озиқ-овқат тизимининг ташқи шароитларнинг ўзгаришига мослашиш даражасини омилли баҳолаш) [4].

“Ўзбекистон Республикаси Товар биржасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдо ҳолати таҳлили” мавзусидаги мақоламизда бир қатор иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил этиб, озиқ-овқат тизимини барқарор ривожлантириш, хусусан, қишлоқ хўжалигида ғалла маҳсулотни савдосида биржа механизми фаолияти дон барқарорлиги билан бевосита боғлиқлигини аниқлаганмиз [5].

Қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат барқарорлигини таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, уларнинг объекти ва кўламига кўра (озиқ-овқат бозори, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, инвестиция фаолияти, давлат томонидан тартибга солиш, ўсиш барқарорлиги, стратегияни амалга ошириш ва ҳоказо) таркибий унсурлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хориж олимларининг ишларида таклиф этилган (Е.Ф.Заворотин [6, 300-б], В.З.Мазлоев [7, 15-б]).

Донли экинларни прогнозлаш ҳақида илмий адабиётларда маҳсулот етиштириш ҳажми ва унинг бозор конъюнктурасини прогнозлашнинг турли вариантлари, методлари, усуллари қўлланилишини кузатиш мумкин. Р.Ф. Джуманованинг фикрига кўра, амалиётда прогнозларни ишлаб чиқаришнинг 130 хил методи мавжуд бўлиб, ижтимоий-иқтисодий

жараёнларни прогнозлашда шартли равишда 3 хил муҳим гуруҳларга бўлиш мумкин. Улар экстраполяция методи, прогнозлашнинг эксперт баҳолаш методи ҳамда моделлаштириш методларидан иборат [8].


#### Тадқиқот материаллари ва услуги.

Қишлоқ хўжалигида донли экинлар етиштиришни прогнозлашда моделлаштиришнинг тўғри чизиқли регрессия усулидан фойдаланилди. Ушбу усул донли экинларни етиштиришнинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир даражасини баҳолаш имконини, қишлоқ хўжалигида донли экинлар етиштиришни ривожлантириш истиқболларини белгилаб беради.

**Таҳлил ва натижалар.** Маълумки, ҳар бир мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси, энг аввало, аҳолининг яшаши учун зарур бўлган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаганлик даражасига кўпроқ боғлиқ бўлади. Бунда донли экинлардан олинган ун, гуруч, нон маҳсулотлари, макарон, ёрма ва бошқа маҳсулотлар алоҳида ўрин тутади [9]. Республикамиз аҳолиси дунёда донли маҳсулотларни ўртача меъёрдан кўпроқ истеъмол қилувчи мамлакатлар қаторига киради. Бунга, бизнингча, асосан, миллий урф-одатларимиздаги донли экинлардан олинган маҳсулотлар истеъмолининг юқорилиги сабаб бўлмоқда. Шунинг учун аҳолининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда, донли экинларни етиштиришнинг прогнозини ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Республикамизда 2000-2022 йилларда етиштирилган донли экинлар ҳажмини таҳлил қилар эканмиз, 2001 йилдан 2008 йилгача бўлган даврда донли экинлар етиштириш ҳажмида ўсиш кузатилган бўлса, 2009-2012 йилларда донли экинлар етиштириш ҳажми эса пасайганлигини кўришимиз мумкин. 2013 йилдан 2022 йилгача республикамизда донли экинлар етиштириш динамикасида ўсиш кузатилди (1-расм).

Тадқиқотларга кўра, истиқболни прогнозлаш, ўрганиладиган объектнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, макроиқтисодий ва микроиқтисодий турларга ажратилади. Донли экинларни етиштиришнинг истиқбол параметрларини аниқлашда натижавий кўрсаткич билан омиллар ўртасидаги боғланишнинг шакли ва зичлигини аниқлаш имконини берадиган статистик прогнозлаштиришнинг корреляцион-регрессион таҳлилни самарали қўллаш мумкин.



**1-расм. Республикада 2000-2022 йилларда етиштирилаётган донли экинлар ялпи ҳосилдорлиги (минг тонна)**

*Манба: STAT.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Маълумки, донли экинлар экилишини ерлар тупроқ бонитети турличалигини инобатга олиб ҳамда тупроқ таркибидаги намликни инобатга олган ҳолда уруғ сарфи белгиланади. Олимларнинг олиб борган тадқиқотларига кўра, донли экинлар уруғи униб чиқиши учун ўз оғирлигига нисбатан 47-48 фоиз нам ютиши талаб этилади. Шунинг учун тупроқ таркибида мавжуд бўлган намликни инобатга олган ҳолда, сара элита уруғлик сарфини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Уруғ сарфи эса ҳосилдорликни оширувчи асосий омиллардан ҳисобланади [10].

Олиб борилган тадқиқотларимизга кўра, донли экинлар ҳосилдорлик кўрсаткичлари бир қанча омилларга боғлиқлигини аниқлаш ва таҳлил қилишда биз кўп омилли регрессия усулидан фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир. Тадқиқот жараёнида ушбу масаланинг ечимини топиш орқали дон етиштиришда маҳсулот ҳосилдорлигига таъсир қилувчи бир нечта омилларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланди.

Бунда донли экинларни етиштиришда ҳосилдорлик кўрсаткичлари натижавий омил

деб қаралиб, унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар: экин майдони – минг/га, тупроқ унумдорлиги (балл бонитет), минерал ўғит – 1 кг га, экинларнинг умумий майдонида элита уруғлари экилган майдоннинг улуши – %да, агротехник тадбирларни амалга оширишда меъёр бўйича талаб қилинадиган техника ва ускуналарнинг таъминланганлиги – %да, агротехник тадбирларни амалга оширувчи техника таъминланганлиги – 100 га, (минг) от кучи каби омиллар асос қилиб олинди. Мазкур таҳлилнинг асосий босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:[11]

- ахборотларни тўплаш ва уларни бирламчи қайта ишлаш;
- регрессия тенгламасини тузиш;
- омиллар ўртасидаги боғланиш зичлигини баҳолаш ва регрессия тенгламасини текшириш;
- регрессия тенгламаси ёрдамида донли экинларни етиштириш кўрсаткичларини прогнозлаштириш.

Бу усулдан фойдаланишда қуйидаги нормал тенгламалар тизимини тузиш ва бу тенгламалар тизимини ечиш орқали номаълум параметрларни аниқлаш мумкин:

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum x_1 + a_2 \sum x_2 + \dots + a_n \sum x_n = \sum y \\ a_0 \sum x_1 + a_1 \sum x_1^2 + a_2 \sum x_1 x_2 + \dots + a_n \sum x_n x_1 = \sum yx_1 \\ \dots \\ a_0 \sum x_n + a_1 \sum x_1 x_n + a_2 \sum x_2 x_n + \dots + a_n \sum x_n^2 = \sum yx_n \end{cases}$$

Регрессион таҳлилда бир омилли чизиқли регрессия тенгламасининг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$\bar{Y} = b_0 + b_1 \cdot X$$

b1 ва b2 параметрларини қуйидаги формулалар ёрдамида аниқлаймиз:


$$B1 = \frac{22 \cdot 1791256.7 - 253 \cdot 148452.5}{22 \cdot 3795 - 64009} = 94.919$$

$$B0 = 6747.84 - 5656.2 \cdot 11.5 = 5656.2$$

## QISHLOQ XO'JALIGI

Динамик қаторлар ва донли экинларни етиштириш ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи қуйидаги моделни ишлаб чиқдик. Ушбу


модель орқали донли экинларни етиштиришнинг 2023 йилдан 2030 йилгача бўлган даврини прогнозлаштирамиз(2-расм).



**2-расм. Республикада 2023-2030 йилларда етиштириляётган донли экинлар прогнози (минг тонна)**

Республикада донли экинларни етиштириш бўйича амалга ошириляётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида ушбу донли

экинларни етиштиришни прогнозлаш ҳамда истиқболни белгилаб бериш унга таъсир этувчи факторлар билан ҳам аниқланади.



**3-расм. Республикада 2023-2030 йилларда етиштириляётган донли экинлар прогнози динамикаси, минг тонна**

Бу факторларнинг таъсир даражалари донли экинларни етиштиришнинг истиқболдаги самарадорлигига ижобий таъсир натижаларини аниқлаш имконини беради. Бу ифодани рақамларда кўрадиган бўлсак, 2030 йилга бориб, 8503,8 минг тонна ялпи ҳосилдорликка эга бўлишимизни кўришимиз мумкин (3-

расм).

**Хулоса ва таклифлар.** Республикада 2023-2030 йилларда донли экинларни етиштириш прогноз кўрсаткичларини таҳлил қилар эканмиз, 2022 йилда республикада 7672,7 минг тонна донли экинлар етиштирилган бўлса, 2025 йилга бориб донли экинларни



етиштириш 7910,0 минг тоннани ташкил этмоқда, яъни 237,3 минг тоннага ортиши прогноз қилинмоқда, 2030 йилга бориб эса 8503.8 минг тонна прогноз қилинмоқда. Лекин донли экинларни етиштириш 2030 йилга ошиши кузатилиши билан бирга, ўз навбатида, аҳолининг сони ҳам ошиши кузатилишини ҳисобга олган ҳолда, донли экинларни етиштириш бўйича республикамизда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– донли экинларни ривожлантириш бўйича илмий ишланмалар, селекция ишлари ва уруғчилик ҳамда илғор технологияларни жорий қилишга йўналтирилган чора-тадбирларга давлат томонидан молиявий ва моддий ёрдам кўрсатиш;

– уруғчилик тизимида нав оригинатор-

лари ва илмий-тадқиқот институтлари манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилиш;

– донли экинларни ривожлантиришда хориж тажрибалари билан мувофиқлашган ўқув қўлланмалари ишлаб чиқиш;

– донли экинларнинг барқарор ривожланишида иқтисодий самарадорликка таъсир этувчи омилларга эътибор қаратиш, уруғчилик ҳамда илғор технологияларни жорий қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар, давлат томонидан молиявий ва моддий ёрдам кўрсатиш;

– дон етиштириш ва сотишда давлат мажбурий буюртмаларини бекор қилиш, дон бозорини рақамлаштиришни ташкил қилиш бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилиш.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 23.10.2019 йилдаги ПФ-5853-сонли.
2. Atabayeva. O'simlikshunoslik. – T.: "Fan va texnologiyalar" nashriyoti, 2018.
3. Burxonov A.X. "Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti" darsligi. 2021. – 499 bet.
4. Ильина З.М. Устойчивость развития продовольственной системы: методические аспекты. / З.М.Ильина. // Весті Нацыянальнай акадэміі навук Беларусі. Серыя аграрных навук. 2013. № 2. С. 9-19.
5. Turayeva G. (2022). Iqtisodiyot tarmoqlarida birja mexnizmlaridan foydalanish. Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences, 1(7), 165-168. <http://econferences.ru/index.php/tafps/article/view/2713>
6. Zavorotin, E.F. Organizacionno-jekonomicheskij mehanizm ustojchivogo razvitija agropromyshlennogo kompleksa i sel'skih territorij v Povolzh'e [Tekst]. / E.F.Zavorotin, V.I.Afanas'ev, A.A.Gordopolova, N.S.Tjurina, A.P.Nesmyslenov i dr. – Saratov: Saratovskij istochnik, 2017. – 300 b.
7. Mazloev, V.Z. Formirovanie processov transformacii jekonomicheskogo mehanizma agrarnogo sektora [Tekst] / V.Z. Mazloev, M.G. Ozerova // Jekonomika sel'skogo hozjajstva Rossii. 2017. № 8. 15-21-b.
8. Джуманова Р.Ф. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлаш. Ўқув-услубий қўлланма. – Т., 2012. 15-бет.
9. Turayeva G. (2023). Don ishlab chiqarish barqarorligini ta'minlashning iste'mol savatidagi ahamiyati. // Iqtisodiyot va ta'lim, 24(2), 440-444.
10. Тураева Г. (2023). Актуальность обеспечения стабильности производства зерна в национальной экономике. // Бюллетень педагогов нового Узбекистана, 1(9), 101-107.
11. Turayeva G. (2022). Factors reducing the cost of production in the development of the agricultural economy. // Gospodarka i Innowacje, 21, 184-187.



**HUDUDLARDA SUVDAN FOYDALANISHNI BOSHQARISHNING YANGI PARADIGMALARI**

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\\_iss2/a54](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a54)

**Berdiyev Anvar Abdivaliyevich**  
Qarshi Davlat universiteti tadqiqotchisi

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada mamlakatimiz hududlarida suvdan foydalanishni boshqarishning yangi paradigmalari yoritilgan. Suv tejaydigan texnologiyalarni joriy etish turli omillar, jumladan, hukumat siyosati, rag'batlantirish va suv tanqisligini bartaraf etish va barqaror qishloq xo'jaligini rivojlantirish zarurati bilan bog'liq. Suvni tejaydigan texnologiyalarni qo'llash va suvni tejaydigan amaliyotlar o'rtasidagi ijobiy bog'liqlik suv resurslarini boshqarish menejmentini samarali amalga oshirish bilan bog'liq bo'lgan va yuqori ahamiyat kasb etayotganligini anglangan.

**Kalit so'zlar:** suv resurslari, suv ta'minoti, tomchlab sug'orish, suv tejoychi texnologiyalar, ekologiya, aholi, hudud, iqtisodiy va ijtimoiy samaradorlik, suv resurslaridan foydalanish.